

4-1-2019

FACTORS FOR ENSURING THE FINANCIAL SUSTAINABILITY OF THE PENSION SECURITY IN UZBEKISTAN

D. Sholdorov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sholdorov, D. (2019) "FACTORS FOR ENSURING THE FINANCIAL SUSTAINABILITY OF THE PENSION SECURITY IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 26.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

FACTORS FOR ENSURING THE FINANCIAL SUSTAINABILITY OF THE PENSION SECURITY IN UZBEKISTAN

The article examines the factors affecting the pension systems and the reforms carried out in the pension system, and also developed scientific proposals and practical recommendations aimed at ensuring the financial sustainability of the pension plan.

Keywords: pensions, pensions, pension insurance, social benefits, work experience, financial stability, Pension Fund, social insurance, working-age population, preferential pensions, pension size.

The article examines the factors affecting the pension systems and the reforms carried out in the pension system, and also developed scientific proposals and practical recommendations aimed at ensuring the financial sustainability of the pension plan.

Public pension plan is one of the most important and the main direction of social protection policy of Government, it means the set of the measures as socio-economic characteristics that aimed at providing and supporting elderly people, disabled people and nonsurvivor people.

Thoughts of international organizations and experts, advanced scientists, appeals of citizens, main tendencies of the pension plan and experiences, and also comparative analysis between the reforms of National Pension System and foreign countries pension reforms indicate that there are some problems to be solved at State pension.

The impact of demographic factors on the pension system, necessity to ensure balanced participation of the population in funding the social insurance system, as well as ineffective tools of financial allocation and vulnerability of social insurance incentives are the main problems of state pension plan.

We will be discussed the main factors affecting the pension system.

1. *The Impact of Demographic Factors on the Pension Plan.*

- according to demographic forecasts the share of retirement age population (+1.2 millions) is expected to increase in 2018-2025;

- rising of the life expectancy of population is expected and it will reach to 75.5 years in 2025 (73 years in 2018), the annual number of applicants for retirement age is expected to grow to a total of 300,000 in 2025 (annual number 206200 in 2017), the share of retirement age in the total population is more than 11 percent in 2025 (7.4 percent in 2018).

It should be noted that the off-budget Pension Fund under the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan has the last place on payments to one pensioner in its group and the amount of Pension Fund's funds is insufficient to fully cover all pensioners of the country and this does not allow the Pension Fund to be independent of the state budget.

Life expectancy and decreased birth rates increase the share of older people throughout the world, and this reduces the paying capacity of social security systems, including pension systems.

The appeal addressed to the Oliy Majlis by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev indicates that positive changes in this area will be continued, in particular, the restriction on the maximum wage for pension payments at the next stage of the reform. Of course, such cases serve to increase the retirement pensions and further improve the well-being of pensioners.

2. Necessity of balanced participation of the population in financing of the social insurance system.

In the long run, the majority of citizens who do not pay for the pension system in the medium and long term will not have the right to receive a pension. As a result, it can lead to a reduction in the financial resources of the off-budget Pension Fund, and, second, the deterioration of the welfare of the elderly.

3. Ineffective tools for the allocation of funds and the weaknesses of social insurance incentive mechanisms.

Vulnerable mechanisms to encourage long-term and uninterrupted participation of employers in social insurance make them look for new methods of non-payment of insurance premiums. It is therefore desirable to override this restriction in the future. This situation improves the relationship between the size of pensions and the contribution of the employee, and also stimulates labor activity.

All of the above, in turn, reflects the need to reform the pension system of the Republic of Uzbekistan, to ensure the financial sustainability of the pension system.

Conclusion and Recommendations

1. In view of the experiences of the developed and developing countries' retirement benefits system, benefits from the off-budget Pension Fund (allowances for elderly and disabled citizens without a required length of service, and allowances for burial) should be funded from the State budget in order to ensure the financial sustainability of pensions;

2. In the new edition of the Law "On the state pension provision of citizens", the study of foreign experience in this field and the demographic and socio-economic aspects of the country, the amount of pensions of citizens in the norms of the law depends on their length of service and dependence on wages, it is advisable to introduce mechanisms to encourage active participation in the system.

3. Gradually increasing the retirement age, taking into account factors such as socio-economic development of the country, employment growth, employment growth, population life expectancy, healthcare development, and long-term employment allowing citizens to retire and the retirement age requirement needs to be revised.

4. In the future, it is desirable for the members of the family who are not working for the Pension Fund to pay for the additional insurance premiums at the rate of the minimum monthly wage for each month at the expense of earnings in the form of wage earnings for guaranteed pensions.

(Full article is available in Uzbek)

**Шолдаров Д.А. – ТМИ,
катта ўқитувчи**

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Мақолада пенсия тизимида амалга оширилган ислохотлар ва пенсия таъминоти тизимида таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган, шунингдек, пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: пенсия, пенсия таъминоти, пенсия суғуртаси, ижтимоий нафақа, меҳнат стажи, молиявий барқарорлик, Пенсия жамғармаси, ижтимоий суғурта, меҳнатга лаёқатли аҳоли, имтиёзли пенсиялар, пенсия миқдори.

ФАКТОРЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ СТАБИЛЬНОСТИ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье исследованы факторы, влияющие на систему пенсионного обеспечения и реформы, осуществляемые в пенсионной системе, а также разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на обеспечение финансовой устойчивости системы пенсионного обеспечения.

Ключевые слова: пенсии, пенсионное обеспечение, пенсионное страхование, социальные пособия, трудовой стаж, финансовая устойчивость, Пенсионный фонд, социальное страхование, трудоспособное население, льготные пенсии, размер пенсии.

Кириш

Давлат пенсия таъминоти тизими давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг энг муҳим ва асосий йўналишларидан бири бўлиб, кекса, ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларни моддий таъминлашга ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тавсифдаги чора-тадбирлар мажмуини назарда тутди.

Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бир қанча ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан:

- пенсия таъминоти тизимини тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмаси такомиллаштирилди;
- пенсия таъминотида мажбурий (авлодлар бирдамлиги ва жамғариб бориладиган пенсиялар) ва ихтиёрий тизимни қамраб олувчи кўп даражали тизим яратилди ва фаолият юритмоқда;

- омонатчиларнинг жамғарилган пенсия маблағлари сақланишини давлат томонидан кафолатлаш жорий қилинди;
- пенсия таъминоти тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинди ва шу асосда турли муассасалар билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди;
- айрим тоифадаги фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш тизими кучайтирилди;
- меҳнат шароитлари оғир ва зарарли ишларда банд бўлган ходимлар учун имтиёзли шартларидаги пенсиялар жорий қилинди;
- истеъмол товарлари ва хизматлар нархининг ўсиб боришига мувофиқ давлат томонидан фуқароларнинг пенсия ва ижтимоий нафақа миқдорлари ошириб борилди, шу орқали уларнинг маблағлари инфляциядан ҳимоя қилиниб, харид қобилияти ва ўртача реал даромади сақлаб қолинди;
- Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадлари оптималлаштирилди;
- мамлакатда ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақига нисбати 42,9 фоизни ташкил этишига эришилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, бу кўрсаткич 40 фоиздан кам бўлмаслиги зарур.

Бироқ, статистик таҳлиллар натижаси, халқаро ташкилотлар ва экспертлар, етакчи олимларининг фикр-мулоҳазалари, фуқароларнинг мурожаатлари, пенсия таъминоти тизимидаги асосий тенденциялар ва тажрибалар ҳамда миллий пенсия тизимининг хорижий ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари пенсия тизими ва ислохотлари билан қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, давлат пенсия таъминоти тизимида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжуд. Демографик омилларнинг пенсия таъминоти тизимига таъсири, ижтимоий суғурта тизимини молиялаштиришда аҳолининг мутаносиб иштирокини таъминлаш зарурлиги ҳамда молиявий маблағларни тақсимлашдаги самарасиз воситалар ва ижтимоий суғуртадаги рағбатлантирувчи механизмларнинг заифлиги шулар жумласидандир.

Адабиётлар таҳлили

Муаллифлар А.П.Шеметов ва С.Н.Орловларнинг “Пенсионное обеспечение в Российской Федерации” [1] номли монографиясида пенсия таъминоти тизими моделлари, уларнинг принциплари ва ўзига хос хусусиятлари, Россия пенсия таъминоти тизимининг жорий ҳолати ўрганилган ва таҳлил қилинган, пенсия таъминоти тизимидаги муаммолар ва унинг сабаблари аниқланган, муаммоларни ижобий ҳал этиш йўллари бўйича илмий асосланган тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Е.В.Чупрованинг “Пенсионное обеспечение граждан в Российской Федерации” [2] номли ўқув қўлланмасида қарилик, ногрионлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия суғурталари, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари ифодаланган.

Муаллифлар Г.Касимова ва А.Ботировнинг “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти” [3] номли монографиясида жамғариб бориладиган пенсия

таъминотининг аҳамияти, назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари очиб берилган.

А.Вахабов ва Н.Мажидовнинг “Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли” [4] номли монографиясида пенсия тизими ривожланишининг назарий асослари, нодавлат пенсия таъминоти – пенсия тизимининг ижтимоий-инвестицион инфратузилмаси элементи сифатидаги роли, миллий пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва инвестицион имкониятларини оширишнинг хориж тажрибаси кабилар тадқиқ қилинган.

Г.Касимова ва Д.Шолдаровнинг “Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш” [5] номли монографиясида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида пенсия таъминотининг ўрни ва аҳамияти, пенсия таъминотида молиявий ресурсларнинг хавфсизлиги ва рисклар, пенсия таъминоти маблағларини инвестициялашда рискларни бошқариш ҳамда пенсия таъминоти маблағларини самарали бошқариш масалалари ёритиб берилган.

Б.Маматовнинг “Пенсия жамғармаси фаолияти” [6] номли ўқув қўлланмасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асослари, Пенсия жамғармаси бюджети, даромадлари ва харажатлари, Пенсия жамғармаси фаолияти назорати ва тизимнинг ахборот таъминоти каби масалалари ўрин олган.

Д.Рустамовнинг “Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари” [7] номли монографиясида Ўзбекистонда Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари, пенсия тизими ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳамда Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлаш истиқболлари тадқиқ этилган бўлиб, улар юзасидан муҳим илмий хулосалар шакллантирилган ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

А.Вахабов ва бошқалар томонидан тайёрланган “Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” [8] номли дарсликда пенсия тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, пенсия таъминотининг иқтисодий муносабатлар тизимидаги аҳамияти, жаҳондаги пенсия тизимларини ислоҳ этиш моделлари ва пенсия таъминотини ривожлантириш тажрибаси, ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари пенсия тизимларини ислоҳ этишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳеч бирида пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар (Ҳаракатлар стратегияси, Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш Концепцияси лойиҳаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет

мўлжаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга мурожаатномаси) нуқтаи-назаридан тўлиқ очиб берилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Миллий пенсия таъминоти тизиминининг молиявий барқарорлигини таъминлашда демографик омиллар, ижтимоий суғурта тизимида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш ҳамда пенсия таъминотини молиялаштиришда самрасиз воситалар мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий суғуртадаги рағбатлантирувчи механизмларнинг заифлиги асосий омиллардан бўлиб майдонга чиқади.

1. Демографик омилларнинг пенсия таъминоти тизимида таъсири.

– Ўзбекистон аҳолисининг 2018-2025 йиллари учун демографик прогнозларига кўра, пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) кўпайиши кутилмоқда [9];

– 2025 йилга бориб, Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 75,5 ёшга етади (2018-йилда 73 ёш), ёшга доир пенсияга чиқиш учун мурожаат қилувчиларнинг йиллик сони жами 300 минг нафарга кўпайиши кутилмоқда (2017 йилда 206,2 минг нафар), жами аҳоли таркибида пенсия ёшидагиларнинг улуши 11 фоиздан ортади (2018 йилда 7,4 фоиз) [10].

Маълумки, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон аҳолиси 33 миллион 254 минг 100 кишини ташкил этиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 597,4 минг кишига ёки 1,8 фоизга ўсди. Республика доимий аҳоли сонининг 30,3 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 59,5 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,2 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 14,6 млн. кишини, иқтисодий нофаол аҳоли сони 4,6 млн. кишини (ўқувчилар ва талабалар – 1,8 млн., декрет таътилидаги аёллар – 1,8 млн., уй бекалари – 0,9 млн.). Сўнгги 5 йил давомида иқтисодий фаол аҳоли сони ўсиши (9%)га қарамадан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўловчилар сони ўзгаришсиз қолмоқда (5 млн. атрофида – иқтисодий фаол аҳолининг 34 фоизи). Булар, асосан, давлат секторида, йирик ва кичик корхоналарда, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва микрофирмаларда меҳнат қилувчилардан иборат. Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатадики, 2030 йилга бориб, пенсия ёшидаги аҳоли улуши кўпайиб, жами аҳолининг 14 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг асосий ўсиши туғилиш даражаси юқори бўлган даврда туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқдир. Бундай ҳолат, ўз навбатида, Пенсия жамғармаси харажатларининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади ҳамда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларини оптималлаштириш зарурлигини талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сонли Қарорига илова қилинган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида”ги

Низомга кўра, Пенсия жамғармаси маблағлари ишлайдиган ва ишламайдиган фуқароларга давлат пенсияларининг барча турлари, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ижтимоий нафақалар, дафн маросими учун нафақалар ва бошқа тўловлар учун сарфланади. 2018 йилда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари 20475,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 95,7 фоизи ишламайдиган пенсионерларга, 3,0 фоизи ишлайдиган пенсионерларга, 1,2 фоизи зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар ҳамда дафн маросими учун нафақаларга, 0,2 фоизи бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтирилган. Бизнинг фикримизча, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ижтимоий нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақаларни тўлаш харажатларини молиялаштиришни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Россия Федерациясида ҳам зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ижтимоий нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақалар қисман федерал бюджетдан молиялаштирилади. Қозоғистон Республикаси Пенсия фонди маблағлари фуқароларнинг пенсияларини молиялаштиришга, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар ва кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини амалга оширишга ва бошқа харажатларга йўналтирилади ҳамда ижтимоий нафақалар қисман давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Аксарият ривожланган мамлакатларда зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан ижтимоий нафақалар берилди.

Умр кўриш давомийлиги ва туғилишлар камайиши бутун дунёда кекса одамларнинг улушини оширади ва бу ижтимоий таъминот тизимларининг, бунинг ичида пенсия тизимларининг тўлов қобилиятини пасайтиради.

Шунингдек, ҳисоб-китобларга кўра, 2018 йил 12 декабрда “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5597-сонли Фармонига асосан жами 533 минг нафардан ортиқроқ пенсионерларнинг пенсия миқдорлари ўртача 65 минг сўмдан 265 минг сўмгача ошган. Шундан: 72601 нафари ишловчи пенсионерлардир [11].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қилинган Олий Мажлисга Мурожаатномада бу соҳада ижобий ўзгаришлар давом этиши, хусусан, ислохотларнинг кейинги босқичида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори бўйича чекловлар ҳам бутунлай бекор қилиниши таъкидланган. Албатта, бундай ҳолатлар келгусида пенсионерларнинг пенсия миқдорлари ошишига ва муносиб турмуш шароитларининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

2019 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида жами 3485,8 минг нафар пенсия ва нафақа олувчилар мавжуд:



Ўзбекистон Республикасида жами пенсия ва нафақа олувчилар сони, минг нафар [12]

Расм маълумотларидан кўринадикки, жами пенсия ва нафақа олувчиларнинг 75,4 фоизини ёшга доир пенсиялар, 10,4 фоизини ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсиялари, 4,8 фоизини боқувчисини йўқотганлик пенсиялари ва 9,3 фоизини болалиқдан ногиронлар ва етарли иш стажига эга бўлмаганларга берилган ижтимоий нафақалар ташкил қилади.

Юқоридаги ҳолатлар Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрасатади ва пенсия таъминоти тизимида харажатларнинг ортишига олиб келади. Қайд қилиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ўз гуруҳида бир пенсионерга тўловлар бўйича охириги ўринга эга ва Пенсия жамғармаси маблағларининг миқдори мамлакатнинг барча пенсионерларини тўлиқ қоплаш учун етарли эмас ва бундай ҳолат Пенсия жамғармасининг давлат бюджети ҳисобидан мустақиллигини таъминлашга имкон бермайди [13]. Шундан келиб чиқиб, Пенсия жамғармаси харажатлари таркибидаги иш стажига эга бўлмаган фуқароларга ижтимоий нафақалар ва дафн маросими учун нафақаларни давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундай тартиб ривожланган мамлакатлардан Япония ва Буюк Британияда ҳам амал қилади.

Илғор хориж тажрибаларини, шу жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш асосида ҳамда асосланган ҳисоб-китобларга таянган ҳолда пенсия ёшини салбий оқибатларсиз босқичма-босқич ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясининг 26-моддасига мувофиқ, “белгиланган пенсияга чиқиш ёши 65 ёшдан ошмаслиги лозим ёки ваколатли органлар томонидан мамлакатдаги кексаларнинг пенсияга чиқиш ёшини белгилашда уларнинг меҳнатга лаёқати ҳисобга олиниши зарур”. Демак, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг талабларига кўра, дунё бўйича пенсияга чиқиш ёши 65 ёшдан ошмаслиги мақсадга мувофиқ,

аммо, бунда кексаларнинг меҳнатга лаёқатлилигидан келиб чиқиб, бу ёш оширилиши ҳам мумкин. Бугунги кунда дунё бўйича ўртача пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил қилади. Ўзбекистон пенсияга чиқиш ёши ўртача 57,5 ёшни ташкил қилди. Бу кўрсаткич АҚШ, Франция, Япония ва Норвегияда ўртача 67 ёшни, Буюк Британия, Германия ва Канадада 65 ёшни, Австрияда ва Грузияда 62,5 ёшни, Озарбайжонда 61,5 ёшни, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларида 60,5 ёшни, Жанубий Кореяда 60 ёшни, Беларус Республикасида 58,1 ёшни ташкил қилади. Таъкидлаш жоизки, пенсияга чиқиш ёшини белгилашда фуқароларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги муҳим омиллардандир. Ўзбекистонда ўртача умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич 2016 йилда Японияда 83,5 йилни, Италияда 83,1 йилни, Франция ва Швецияда 82,2 йилни, Канадада 82 йилни, Жанубий Кореяда 81,9 йилни, Германияда 80,9 йилни, Буюк Британияда 80,7 йилни, Хитойда 75,8 йилни, Озарбайжонда 70,8 йилни ва Қирғизистонда 70,6 йилни ташкил қилган. Бундай ҳолат, ўз навбатида, Ўзбекистонда пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш зарурлигини англатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориш учун асослар етарлидир. Дунёда ўртача пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил этиши, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги ошиб бораётганлиги, 2018-2025 йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн. кишига) ошиши ва бу ҳолатда, ўрта муддатда Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш зарурлиги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида пенсияга чиқиш ёши ўртача 60 ёшни ташкил қилиши ва мазкур мамлакатларда пенсия ислохотларининг изчил давом эттирилаётганлиги шулар жумласидандир.

2. Ижтимоий суғурта тизимини молиялаштиришда аҳолининг мутаносиб иштирокини таъминлаш зарурлиги:

– фуқароларнинг ижтимоий суғурта тизимида узлуксиз ва узоқ муддатли иштирокини рағбатлантириш механизмларининг мураккаблиги ва шаффоф эмаслиги;

– меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли 60 фоизи (тахминан 10,2 млн. киши) пенсия таъминоти тизимига қамраб олинмаганлиги, уларнинг аксариятини норасмий секторда банд бўлганлар ва меҳнат мигрантлари ташкил этиши;

– 2009-2017 йиллар оралиғида пенсионерлар сонининг ишловчи аҳолига нисбати 61 фоиздан 66 фоизга ўсганлиги.

Ушбу омиллар келгусида ўрта ва узоқ муддатли истиқболда пенсия таъминоти тизимига бадал тўламаган фуқароларнинг аксарияти пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги ҳолатини юзага келтиради. Бунинг натижасида, биринчидан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий маблағларининг камайишига, иккинчидан, фуқароларнинг кексайганда турмуш фаровонлигининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

3. Молиявий маблағларни тақсимлашдаги самарасиз воситалар ва ижтимоий суғуртадаги рағбатлантирувчи механизмларнинг заифлиги:

– бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг сезиларли қисми имтиёзли пенсияларни молиялаштиришга сарфланмоқда. 2017 йилда имтиёзли шартларда тайинланган пенсиялар улуши 592,4 минг кишини ёки жами тайинланган пенсияларнинг 19,5 фоизни ташкил этиб, шундан, ёшга доир пенсиялар 23,7 фоизни ташкил этган. Йилига ўрта ҳисобда 39,8 мингта имтиёзли шартлардаги пенсиялар тайинланмоқда. Шу билан бирга имтиёзли пенсияларнинг ўртача миқдори ёшга доир пенсиянинг ўртача миқдоридан юқоридир[14];

– пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат давомийлиги улуши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам сезиларсиз. Амалдаги пенсия таъминоти тизими, 7 йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлган шахсларга пенсия тайинланишини назарда тутди. Иш стажига нисбатан 7 йил давомийликдаги минимал талабнинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат ижтимоий суғуртасидаги иштирокида салбий таъсир ўтказмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда иш ҳақининг ўртача даражасида 30 йил иш стажига (талаб этилган – 25 йил) эга бўлган эркак кишининг пенсия миқдори билан 10 йиллик иш стажига эга бўлган (минимал талаб этилган – 7 йил) эркак кишининг пенсия миқдори ўртасидаги фарқ тахминан 200 минг сўмни ташкил этади;

– ишловчиларнинг ижтимоий суғуртадаги узоқ муддат ва узлуксиз иштирокини рағбатлантиришдаги заиф механизмлар, уларни, суғурта бадалларини тўламасликнинг янги усуллари кидиришга мажбур этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5597-сонли Фармони асосида 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача оширилди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, пенсияни ҳисоблаб чиқаришда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимидаги иштирокига, жумладан, фуқароларнинг меҳнат фаолиятининг давомийлигини таъминлаш ва юқори миқдорда иш ҳақи олувчиларни рағбатлантиришга салбий таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, истикболда ушбу чекловни ҳам бекор қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолат пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ошириш имконини беради, шунингдек, меҳнат фаолиятини янада рағбатлантиради.

Ишловчи эр (хотин)нинг меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ҳисобидан ишламаётган турмуш ўртоғи учун ихтиёрий равишда Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш ҳуқуқини таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Эр(хотин) ишламаётган турмуш ўртоғи учун Пенсия жамғармасига ихтиёрий суғурта бадаллари тўлаш тизими дунёнинг кўплаб давлатларида мавжуд. Мисол учун, Буюк Британияда пенсия олиш учун 35-40 йиллик меҳнат

стажи талаб қилинади, минимал пенсия олиш учун энг камида 10-15 йиллик меҳнат стажи бўлиши талаб этилади. Агар фуқаролар талаб қилинган меҳнат стажига эга бўлмасалар, пенсия олишлари ва унинг миқдорини ошириши учун давлат ижтимоий суғурта фондига ихтиёрий равишда суғурта бадаллари тўлаши мумкин.

Юқоридаги барча ҳолатлар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимини ислоҳ қилиш, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар

1. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг пенсия таъминоти тизими тажрибаларидан келиб чиқиб ҳамда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланувчи нафақаларни (зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақа) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш зарур. Мазкур таклифни амалиётга қўллаш натижасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг йилига ўрта ҳисобда 237,7 млрд. сўм миқдоридagi маблағларини иқтисод қилишга ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

2. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш, бу борада чет эл тажрибасини ўрганиш ҳамда мамлакатимизнинг демографик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини инобатга олиш, қонуннинг нормаларида фуқароларнинг пенсия миқдорлари уларнинг меҳнат стажлари давомийлиги ва иш ҳақига боғлиқ бўлиши ҳамда ижтимоий суғурта тизимига фаол қатнашишларини рағбатлантирувчи механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш, қонунчиликда тўғридан-тўғри таъсир этувчи нормаларни жорий қилиш, пенсияларни ҳисоблашнинг содда ва шаффоф ҳамда рағбатлантирувчи характердаги механизмларни жорий қилиш, ижтимоий адолат принципларининг таъминланишига эришиш имконини беради.

3. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли бандлиги, иш ўринлари яратилиши, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бориши, тиббиёт соҳасининг тараққиёти каби омилларни ҳисобга олган ҳолда истиқболда пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш, бунда фуқароларнинг пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишлари учун меҳнат стажи ва пенсия ёшига бўлган талабни қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида иш стажига мутаносиб равишда пенсия миқдорларини ошириш ҳамда пенсия таъминоти тизимининг мувозанатлашган ҳолдаги молиявий барқарорлигини яратади.

4. Истиқболда фуқароларни қафолатланган пенсия таъминоти билан қамраб олиш мақсадида ишловчи шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ҳисобидан Пенсия жамғармасига ишламаётган оила аъзолари учун ихтиёрий равишда ҳар бир ой учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридa қўшимча

суғурта тўловлари (бадаллари) тўлаш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир. Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фуқароларнинг пенсия суғуртаси тизими билан қамраб олиш даражаси оширилади ва Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги яхшиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с.
2. Чупрова Е.В. Пенсионное обеспечение граждан в Российской Федерации. Учебное пособие. – М.: “Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации”, 2017. – 144 с.
3. Касимова Г., Ботиров А. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Монография. – Т.: “Тамаддун”, 2015. – 108 б.
4. Вахабов А., Мажидов Н. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: “Университет”, 2017. – 128 б.
5. Касимова Г., Шолдаров Д. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. – Т.: “ТМИ”, 2017. – 225 б.
6. Маматов Б. Пенсия жамғармаси фаолияти. Ўқув қўлланма. – Т.: “Баркамол файз медиа”, 2017. – 280 б.
7. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. – 200 б.
8. А.Вахабов ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. – 400 б.
9. http://pf.ru.uz/uz_Cyrl/page/518/davlat-pensiya-taminoti-tizimini-islo-etish-konsepziyasi-loyiiasi.
10. http://pf.ru.uz/uz_Cyrl/page/518/davlat-pensiya-taminoti-tizimini-islo-etish-konsepziyasi-loyiiasi.
11. http://uza.uz/oz/society/pensiya-t-lovida-mutlo-zgarishlar-effektias-11-01-2019?sphrase_id=689225
12. <http://hordiq.uz/2019/02/09/uzbekistonda-pensiya-va-nafaqa-oluvchilar-soni-3-4859-ming-nafarga-etgan/>
13. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси. 2018 йил 29 декабрь. – Тошкент. Буюк келажак. Муҳокама учун материаллар. 267-б.
14. <https://daryo.uz/k/2018/05/11/davlat-pensiya-taminoti-tizimini-isloh-etish-konsepsiyasi-pensiya-yoshi-ozgaradimi-yoki>.